O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2005 йил 23 март, № 57 (3602) Чоршанба







*"Ўзэкспомарказ"да*

*Мамлакатимизда озиқ-овқат саноатидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган чора-тадбирларга катта эътибор берилмоқда. Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да иш бошлаган "Озиқ-овқат саноати-UzFord 2005" халқаро кўргазмаси ҳам айнан ана шу мақсадга йўналтирилган. Тошкентда бешинчи бор ўтказилаётган ушбу анжуманнинг ташкилотчилари ITE Grup Plc ва ITE Uzbekistan компанияларидир.*



## ТОМОШАДАН — ШАРТНОМАГА

*Халқаро кўргазма ишида Австрия, Германия, Россия, Қозоғистон, АҚШ ва Туркия каби дунёнинг 12 мамлакатидан 50 дан ортиқ фирма ва компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Айни пайтда иштирокчилар ушбу соҳадаги илғор анъаналар, замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар билан танишиш ҳамда манфаатли битимлар тузиш имконига ҳам эга бўладилар.*

*Тадбир иштирокчиларининг маълум қилишича, дунё миқёсида ушбу соҳадаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг Ўзбекистонга қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда. Буни хорижлик иштирокчиларнинг кўргазма майдонидан имкон қадар кўпроқ жой олишга интилишлари исботлаб турибди. Шу билан бирга, мамлакатимиздаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компания ва фирмалар фаолияти хорижлик кўплаб кўргазма иштирокчиларининг эътиборини қозонгани қувонарли ҳол.*

*Ушбу тадбир республикамиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари ташқи бозорга чиқишида, ўзаро тажриба алмашинувида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши турган гап.*

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## БОБУР БОҒИДА НАВРЎЗ САЙЛИ

*Юртимизда Наврўз шодиёналари давом этаётган айни кунларда пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан миллий маданий марказлар бадиий жамоалари ҳамда санъат усталари иштирокида катта байрам сайли бўлиб ўтди.*

Унда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда диёримизда тотувлик ва ҳамжиҳатликда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишда муносиб ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиздаги миллатлараро бағрикенглик, фуқароларимизнинг миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик Ватанимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Наврўз табригида таъкидланганидек, айни пайтда юртимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган шодиёна сайилларда миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзига ватан деб биладиган барча миллат ва элат вакилларининг иштирок этаётгани, кўплаб хорижий меҳмонларнинг ҳам қувончимизга шерик бўлаётгани Наврўзнинг одамларни бирлаштирувчи ҳаётбахш кучидан далолат беради.

Сайилда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказларнинг дўстлик, ҳамжиҳатлик ва аҳилликка чорловчи катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Брюсселда ҳам нишонланди

*"Брюсселга Наврўз келди". Халқимизнинг суюкли айёми муносабати билан бўлиб ўтган тадбирнинг қатнашчилари ана шундай сўзларни айтган ҳолда Брюссель чет тиллар олий мактаби биносини тарк этишди.*

Меҳмонлар бино ичкарисига киришлари биланоқ уларни ўзбек халқининг бениҳоя бой маданияти ва анъаналари намуналари ҳайратга солди — у ерда меҳмонларни Ўзбекистон халқ амалий санъати маҳсулотларининг гўзал кўргазмаси ўзига чорлаб турар эди.

Наврўзи олам муносабати билан ўтказилган ушбу байрам тадбирида Европа парламенти, Европа Иттифоқи комиссияси ходимлари, мамлакатда аккредитация қилинган дипломатия корпуси, Бельгиянинг сиёсий, академик ва илмий доиралари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кечада сўзга чиққан Брюссель таржимонлар олий институтининг директори Франс Де Лэт ҳамда Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси В.Норов тўпланганларга ушбу гўзал байрам тарихи ва унинг Ўзбекистонда анъанавий нишонланишининг тарихи ҳақида сўзлаб бердилар. Шунингдек, бугунги замонавий Ўзбекистон ҳамда юртимизда Наврўзи олам шодиёналари акс этган видеофильм меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди. "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли солистлари Давронбек Акбарбеков, Ферўза Озодова ҳамда ёш ўзбек скрипкачиси – Антверпен мусиқа мактабининг талабаси Фарҳод Йўлдошев ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар ва жозибали рақслар кеча қатнашчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди.

**Жамшид МУТАЛОВ,**
**"Жаҳон" АА мухбири.**
*Брюссель.*

*Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Нукус музейи дурдоналари" мавзуидаги кўргазма очилди. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.*

## НУКУС МУЗЕЙИ ДУРДОНАЛАРИ

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қайтадан бунёд этилган И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи экспонатлари қорақалпоқ халқининг қадимий ва бетакрор санъати ҳақида ҳикоя қилади. Музей экспонатларини тўплашда фидойилик кўрсатган Ўзбекистон санъат арбоби, рассом Игорь Савицкий Юртбошимиз фармонига мувофиқ "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

Кўргазмада музей хазинасидан жой олган кўплаб ноёб картиналар намойиш этилаётир. Жумладан, Ўрол Тансиқбоевнинг "Ўзбек аёли", Николай Караханнинг "Ҳовли. Узум терими", Усто Мўминнинг "Домла" каби асарлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**ЎзА.**

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Сиҳат-саломатлик йилида халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш ҳамда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишига биноан март мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.*



Фармойишга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорликда тегишли тадбирлар режаси асосида кенг кўламда иш олиб борилаётир. 19 март куни мазкур ойлик доирасида умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасидан олинган маълумотга кўра, ҳашар ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтган. Қарийб ўн икки миллион нафар юртдошимиз бу тадбирда фаол иштирок этди. Маҳаллалар, корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳудудида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўттиз тўрт минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. Гузарлар, зиёратгоҳлар, болалар спорт майдончалари тартибга келтирилди.

Тураржой мавзелари, маҳалла ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшиш мақсадида минглаб туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Боғ-роғларга шакл берилиб, дарахтлар оқланди.

Наврўз кунлари меҳр-мурувватга эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш қадимий ва эзгу анъаналаримиздандир. Ҳашар куни аждодларимизнинг бу борадаги боқий урф-одатлари янада яққолроқ намоён бўлди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тўрт юз етмиш миллион сўмликдан кўпроқ мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар муносабати билан ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағ юртимизни янада обод этиш, маҳаллалар инфратузилмасини ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга сарфланади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Жойлардан хабарлар

### Янгийўлда кино фестивали

Юртимизда миллий кино ривожига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Натижада сўнгги йилларда юксак савиядаги ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилди.

Куни кеча Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида ўзбек киноси фестивали бошланди. У "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ташаббуси билан ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган мақсад пойтахт вилояти аҳолисини кейинги йилларда яратилган янги фильмлар билан таништириш, миллий киномизнинг энг яхши анъаналарини тарғиб этишдир.

### Ишбилармон туҳфаси

Термизлик ишбилармон Холмўмин Жумаев ўзи яшаётган "Темирйўлчи"маҳалласи аҳлига Наврўз байрами кунлари катта совға тайёрлади. У ўз ҳисобидан гузар қуриб берди. Гузардан новвойхона, дорихона, этикдўзлик устахонаси, бичиш-тикиш цехи жой олган.

### Болаларга қувонч улашиб



Наврўз аёмини пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 30-ёрдамчи меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қўшалоқ байрам сифатида нишонлашди.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёзилди. 500 минг сўмликка яқин стол тенниси, волейбол, баскетбол, футбол тўплари, гимнастика ва бошқа спорт жиҳозлари туҳфа этилди. Шунингдек, байрам кунлари Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги 1-умумтаълим боғча-мактабига ҳам 1 миллион 147 минг сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари етказиб берилди.

— "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида махсус режа ишлаб чиққанмиз, — дейди жамғарманинг болалар спорт иншоотларини ускуналар ва спорт анжомлари билан таъминлаш бўлими бошлиғи Олим Шарофхўжаев. — Шу кунгача вилоятлардаги умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлар ҳамда меҳрибонлик уйларига 31 миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари топширилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Қирғизистонда рўй бераётган воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Жорий йилнинг 27 феврали ва 13 мартида бўлиб ўтган парламент сайловлари муносабати билан Қирғизистонда, айниқса, унинг жанубий вилоятларида рўй бераётган воқеалар унга яқин қўшни бўлган Ўзбекистонда катта ташвиш уйғотмоқда.

Қирғизистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёни бошланганиданоқ Ўзбекистон турли даражадаги ҳар қандай сайловлар — ҳар бир мамлакатнинг ички иши ва улар шу мамлакатнинг амалдаги Конституцияси ва қонунларига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилиши лозим, деган қатъий позицияда турди. Ҳар бир сайловда асосий куч — бу сайловчилар бўлиб, барча даражадаги депутатлар уларнинг эркин хоҳиш-иродасига биноан, ҳеч қандай ташқи аралашув ва тазйиқларсиз сайланиши даркор. Айрим сиёсий ва жамоатчилик кучларининг сайлов натижаларидан қониқмаслиги туфайли келиб чиқадиган баҳс ва мунозаралар амалий мулоқот, Қирғизистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқий асос ва тартиблар ҳамда амалдаги Конституцияга мувофиқ тарзда ҳал этилиши зарур.

Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаётган Ўзбекистонда икки қардош халқ — ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихий яқинлигига, маънавий қадриятлари ва дини, урф-одат ва анъаналари, тили ва маданияти муштараклигига доимо катта аҳамият бериб келинади.

Бугун ҳам биз, шу қадимий заминда истиқомат қиладиган барча инсонлар ҳар қандай қарама-қаршилик ва юзага келган муаммоларнинг тинч йўл билан, ташқи таъсирдан мутлақо холи равишда ҳал этилишидан, ҳаммамиз учун энг муҳим бўлган минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни, оилаларимиз осойишталигини сақлаб қолишдан бирдек манфаатдормиз.

Биз Ўзбекистонда шунга аминмизки, Қирғизистон халқи қандай қийинчилик ва тўсиқларга дуч келмасин, уларни мардона енгиб ўтган ва бугун ҳам бу синовларни енгиб ўтади, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолади, мамлакатда қарама-қаршиликни кескинлаштириш учун вазиятдан фойдаланиб қолишга, миллатлараро низо келтириб чиқаришга уринадиган қабиҳ ниятли кучларнинг, аввало, ташқи кучларнинг бузғунчи чақириқ ва хатти-ҳаракатларига эргашмайди.

Биз ўзининг муносиб келажагини, мустақил, фаровон, демократик Қирғизистонни барпо этаётган қирғиз халқининг ақл-заковати ва букилмас иродасига ишонамиз.

**Тошкент шаҳри,**
**2005 йил 22 март.**

# АКЦИЯДОРЛАР АРМОНИ УШАЛМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишланган мажлисида давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар, шу жумладан, акциядорлик жамиятлари фаолиятини тубдан яхшилаш зарурлиги уқтирилди. Хўш, бу борада Қорақалпоғистон Республикасида вазият қандай? Акциядорлик жамиятлари ўтган йилни қандай натижалар билан якунладилар?*

Авваламбор, 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Қорақалпоғистонда 361 та акциядорлик жамияти фаолият кўрсатганини қайд этиб ўтиш керак. Ўтган бир йил ичида улардан 75 таси ўз низом жамғармаларини оширди, 3 таси ёпиқ акциядорлик жамиятига, 212 таси мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилди.

Хусусан, Нукуснинг шундоқ биқинида жойлашган «Қаттиқоқар» темир-бетон заводи» акциядорлик жамияти икки йил аввал банкротлик ёқасига бориб қолган эди. Аммо бу жамоа осмондан чалпак ёғишини кутиб ўтирмади: мавжуд вазиятдан чиқиш йўлларини излади. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи ва Давлат мулк қўмитаси эса амалий ёрдам кўрсатди. Энг муҳими, 2004 йил июль ойида ўтказилган тендер савдоларида акциядорлик жамияти давлат акция пакетининг 61 фоизини «Илҳомқурилиш» хусусий фирмаси харид қилди. Натижада сармоядор корхонага дастлаб 351 миллион сўм сарфлаб, 60 та янги иш ўрни яратди. Акциядорлик жамиятида эса 286,3 миллион сўмлик рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилиб, кўп йиллар мобайнида биринчи марта соф фойда олинди.

### Ислоҳот ва самара

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг яхшиланишида Кузатув кенгашларининг роли ҳам ошиб бормоқда. Буни «Қорақалпоқпахтасаноат» бирлашмаси мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан, «Хўжайли толаси» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши корхонани модернизация қилиш юзасидан амалий чоралар ишлаб чиққан эди. 2004 йили акциядорлик жамияти 9551 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаб, 54,3 миллион сўм соф фойда олган бўлса, унинг 43,5 миллион сўми дивиденд учун ажратилди. Бошқача айтганда, бир дона акцияга унинг номинал қийматидан 2,3 баравар кўп, яъни 2532 сўмдан дивиденд берилди.

Бундай корхоналарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бирлашма бўйича ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 миллиард сўмдан 11,8 миллиард сўмга етди.

Кузатув кенгаши билан корпоратив муассасалар ҳамкорлигига мисол қилиб Беруний туманидаги «Ёғгар» акциядорлик жамиятини кўрсатиш мумкин. «Осиё менежмент» масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда «Ёғгар»нинг дебиторлик қарзи 6 баравар камайтирилиб, 96 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси Қутлимурод Панаевнинг айтишича, айни кунларда бошқа акциядорлик жамиятларидаги мавжуд аҳволни яхшилаш тадбирлари ҳам ишлаб чиқилган. Шу мақсадда 192 та хўжалик юритувчи субъект 3 та гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга барқарор ишлаётган корхоналар, иккинчи гуруҳга муаммолар тўпланиб қолган жамоалар, учинчи гуруҳга истиқболсиз субъектлар киритилди. Эндиликда ҳар бир акциядор ўз жамиятидан тенг шерикчилик асосида манфаат топиши учун тегишли чоралар кўрилмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

*Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари билан Япония ўртасида маданият ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Япониянинг давлат ташкилотлари ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.*



Тадбир Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, Япониянинг Ер хўжалиги, инфратузилмалар ва транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан ташкил этилди.

Симпозиумни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Насриддин Нажимов очди.

Анжуманда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ушбу учрашувнинг Марказий Осиё ва Япония даражасида ўтказилаётгани эса мазкур соҳадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

— Ўзбекистон — жуда қадимий ва бой тарихга эга мамлакат, — деди Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси аъзоси Сёго Араи. — Кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий обидаларга бой шаҳарлар нафақат япониялик, балки дунё сайёҳларининг ҳам севимли масканига айланган. Шу боис, Марказий Осиё давлатлари билан Япония ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантиришда яхши самара бериши шубҳасиз.

2004 йил октябрда Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг ваколатхонаси очилган эди. Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтда хорижий сайёҳлик агентликлари Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан кенг танишмоқда.

Симпозиум иштирокчилари Марказий Осиё давлатлари ва Япониянинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари билан танишишди. Мазкур йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтириш юзасидан фикр алмашдилар.

**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### *Меҳнат инсонни улуғлайди*

# Ишнинг кўзини билганлар



Корхона ночор аҳволга тушиб қолувди: асбоб-ускуналар эскирган, омборлар таъмирталаб, цехлар бесаранжом. Қабул қилинган донни сақлаш минг машаққатга айланганди. Келдиёр Хўжаёров «Косондон»га раҳбар бўлиб келди-ю корхона истиқболга юз тутди. Цехлар қайта тикланди. Замонавий дастгоҳлар олиб келинди. Ҳатто вагонни ўлчашга қуввати етадиган тарозилар ўрнатилди.

Бир пайтлар уруғлик дон қўшни туман ва вилоятлардан олиб келинарди. Бунинг ўзи бўладими? Қанчадан-қанча сарф-харажат қилиш керак. Масалан, бошқа вилоятдан бир вагон уруғлик ташиб келиш учун темир йўл хизматига 300 минг сўм тўлаш лозим эди. Масала бугун ўз ечимини топган. Уруғлик дон корхонанинг ўзида тайёрланяпти. Бу мижозга катта қулайлик, корхонага қўшимча даромад.

Ҳозирги кунда туманда 3000 дан ошиқ фермер хўжаликлари иш юритаяпти. Улар бултур корхонага 30 минг тоннадан кўпроқ дон топширишди. Фермерларнинг феъли қизиқ. Ҳисоб-китобнинг нақд бўлишини кўзлашади. Уларнинг сўровига корхонанинг ҳам мустар бўлиб ўтирган жойи йўқ. Шартноманинг барча банди бекаму кўст бажарилиши керак. Шерикнинг манфаатини ҳурмат қилиш зарур. Ана шунда яйраб ишлагандай бўласан.

Масалан, «Эшқулобод» фермер хўжалиги 100 тонна дон сотувди. «Косондон» тўловни вақтида амалга оширди.

— Жамоамизнинг бу йилги режалари катта, — дейди Келдиёр Хўжаёров. — Янги чойхонага пойдевор тахланяпти. Боғ-роғлар, гулзорлар яратилмоқда. Ишчиларнинг меҳнатини қадрлашга ҳаракат қиляпмиз. Ойлик маошу мукофот пуллари ўз вақтида бериб борилаяпти. Ишчилар бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланмоқда. Одамларнинг даволанишлари учун дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилаяпти.

**Бозор ЭРҚОРОВ.**

### Қарор ва ижро

*Республикамиз Президентининг 2005 йил 5 мартдаги "Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, ҳокимликлар, ушбу йўналишдаги масъул шахслар, ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарларининг фаолиятлари талаб даражасида эмас. Жойларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари мониторинг ва текширишларни изчил йўлга қўймаганлиги сабабли экинзорларни пайҳон қилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Экинзорларни қўриқлаш услублари ишлаб чиқилмагани, пайҳон қилиниши мумкин бўлган экин майдонлари атрофига дала қоровуллари қўйилмаганлиги натижасида чорва моллари ва техникалар томонидан экинзорлар пайҳон этилиб, оқибатда маҳсулот етиштирувчиларга моддий зарар етказилмоқда.*

# НАСИБА НОБУД БЎЛМАСИН

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига кўра, экинзорлар пайҳон қилинса, тўплаб қўйилган ҳосилга зарар етказилса ёки улар йўқ қилинса, шунингдек, кўчатларга шикаст етказилса бунга дахлдор фуқаролар ва мансабдор шахслардан белгиланган тартибда жарима ундирилади. Маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бу ҳолат бир йил давомида мазкур фуқаролар томонидан такрор содир этилса, улар энг кам иш ҳақининг уч баробаригача, мансабдор шахслар эса уч бароборидан етти баробаргача миқдорда жаримага тортилади. Шунга қарамасдан афсуски, ҳозирги кунда ҳам бўлғуси ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шундай долзарб даврда айрим фуқароларнинг бепарволиги туфайли қаровсиз қолдирилган чорва моллари экинзорларни пайҳон қилмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманида яшовчи А. Аллашовга тегишли 19 бош қорамол "Наргиза" фермер хўжалигининг ғаллазорини пайҳон этиши натижасида хўжаликка салкам ярим миллион сўм миқдорида зарар етказган. Албатта, келтирилган зиён айбдор томонидан қопланди. Бу ўринда табиий савол туғилади: хўш, "Наргиза" фермер хўжалиги раҳбари ва аъзолари қаёққа қарашган? Ахир бугун далада мавж уриб ўсаётган ғалла эртага уларнинг омборига дон бўлиб тўкиладику?! Мол-мулк ҳам, экин-тикин ҳам қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилгандан кейин унинг ҳоли нима кечарди?

Ёки бўлмаса, Вобкент туманилик чорвадор Қ.Равшановга тегишли 98 бош, Навбаҳор туманидаги "Наврўз" ширкат хўжалигида яшовчи Ю.Раҳимовнинг 60 бош, Нурота туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги аъзоси И.Хурсандовга қарашли 42 бош қўй-эчки ғалла майсаларидан тўйиб озиқланган экан, бунга ким айбдор? Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Қ.Равшанов 490 минг сўм, Ю.Раҳимов ва И. Хурсандовларнинг ҳар бири эса 100 минг сўмдан жарима тўлашди.



Шу билан бирга, кейинги пайтларда фуқаролар томонидан ширкат ва фермер хўжаликларига қарашли дарахтзор ва тутзорларни ноқонуний тарзда кесиш ҳолатлари содир этилаётгани ҳам ачинарлидир. Жумладан, Қоракўл туманидаги Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Б. Сулаймонов "Бахтиёр Мирпўлат" фермер хўжалиги тутзорларини ўзбошимчалик билан кесиб, хўжаликка 60 минг сўм миқдорида зарар етказган.

Ушбу ҳолат бўйича Б. Сулаймоновга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 104-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатилиб, етказилган зарарни ундириш бўйича судга даъво аризаси киритилди.

Пешку туманидаги Ибн Сино ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи С.Зокиров, К. Зокиров ва Р. Рустамовлар эса 0,25 гектар майдондаги 71 та тут кўчатини кесиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлар. Пировардида етказилган зарар тўлиқ ундирилиб, қонун бузувчиларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди.

Мавриди келганда, шуни айтиш кераккки, қонунда экинзор, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш туфайли кўп миқдорда зарар етказилса, айбдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бароборигача миқдорида жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ жазоси белгиланган. Шунингдек, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш, уларга қасддан шикаст етказиш ҳам Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жавобгарликка тортишга асос бўла олади.

Ғалла майсалари ҳам, ўрмон ва бошқа дов-дарахтлар ҳам — эл насибаси. Халқнинг насибаси эса дахлсиздир. Буни ҳар бир фуқаро ёдда тутмоғи шарт!

**Б.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Республика бош прокуратураси Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори.**

**С. ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Ёрдам қўл келди

Зомин туманидаги 37-мактаб ҳамда Бахмал туманидаги 45-мактабга Япония ҳукумати томонидан 110 минг АҚШ долларига яқин грант берилди. Бу ёрдам мактаблардаги таълим жараёнини такомиллаштиришга сарфланиб, синфхоналар учун махсус мебеллар, замонавий техника воситалари сотиб олинади. Ушбу грантлар ҳисобидан билим даргоҳларини спорт анжомлари билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Сирдарёлик матбаачилар

*Олимбой Нишонов узоқ йиллар матбаачилик соҳасида тер тўкиб, етарли тажриба орттирди. Айнан тўпланган бой тажриба "Агро-Принт" масъулияти чекланган жамиятни ташкил этгач асқотди.*



Ҳозирда у етакчилик қилаётган кичик матбаа корхонасида 40 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган 20 га яқин матбаа маҳсулоти эса доимо харидоргир.

Яқинда жамоа яна бир хайрли ишга қўл уриб, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган "Сайхун зиёси" газетасини чоп эта бошлади. 6 минг нусхадан ортиқ нашр этилаётган ушбу газета ёшларга маъқул бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА: "Агро-Принт" кичик корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятидан лавҳалар акс этган.**

**Муҳаммад КАРИМ олган суратлар.**

### Бугуннинг гапи

**«Асосий устувор вазифа аввалгидек бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат».**

# ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ

*Эркинлаштириш — бу бозор қонун-қоидаларига биноан ривожланувчи кўп секторли иқтисодиётни яратиш. Бунда хусусий сектор етакчи бўлиши талаб қилинади. Бундан 10 йил муқаддам нодавлат секторининг иқтисодиётдаги ҳиссаси 40 фоиз бўлса, ҳозир бу деярли 77 фоизни ташкил этади. Шу давр оралиғида хусусий секторнинг мавқеи ҳам мустаҳкамланиб, унинг иқтисодиётдаги улуши деярли 2,5 марта ошди. Бироқ эркинлаштириш талаблари жиҳатидан қараганда, хусусий секторни янада ўстириш мақсадга мувофиқдир.*

### Миқёс ва моҳият

Давлатимиз раҳбари олға сурган устувор вазифалардан бири **«хусусий секторнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш»**дир. Бу хусусий секторда яратилган товар ва хизматларни кўпайтириш лозимлигини билдиради. Мазкур секторни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун эса, аввало, унинг кўлами ёки миқёсига холисона баҳо бериш керак. Шунга қараб, ушбу секторнинг қаерда ва қанчалик ривожланишини белгилаб олиш лозим, деб ўйлаймиз. Нима учундир статистикада бу сектор кўрсаткичларида ноаниқлик мавжуд. Расмий маълумотларда нодавлат секторининг миқёсига баҳо берилади. Лекин унинг таркибидаги хусусий корхоналар ва хўжаликларнинг иқтисодиётдаги ўрни аниқ бўлмай қолаверади. Бунга аниқлик киритиш учун нодавлат сектори таркибидаги **жамоа сектори** билан **хусусий секторни** аниқ фарқлаш талаб қилинади. **Жамоа сектори** турли кооперативлар, ширкатлар ва уюшмалардан иборат бўлса, **хусусий сектор** — бу хусусий корхоналар, хусусий мулк ҳиссаси катта бўлган акциядорлик жамиятлари, якка тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, майда деҳқон хўжаликларидан иборатдир. Бундай гуруҳлашдаги асосий мезон **мулкнинг** ҳамда хўжалик **услубининг** хусусий бўлишидир. Шулар яратган товар ва хизматларнинг бозор қийматига қараб хусусий сектор нақадар ривожланганлигини аниқлаш мумкин.

Бу ишнинг нозик томони шуки, хусусий сектордаги иш натижаси бир хил нархларда ҳисобланиши керак. Чунки турли нархларнинг (эркин бозор нархи, давлатнинг буюртма нархи) қўлланиши хўжаликлардаги ишлаб чиқариш миқёсини аниқ баҳоламайди. Масалан, маҳсулотнинг **моддий ҳажми** бир хил бўлгани ҳолда турли нархларда ҳисоблаб пулга чақилганда, уларнинг **қиймати** ҳар хил чиқади. Бу эса ҳар хил хўжаликларда яратилган **маҳсулотлар ҳажмини** тўла акс эттирмайди. Демак, хусусий сектор миқёсини аниқлаш учун ҳамма ерда эркин бозор нархлари қўлланилиши зарур. Бу миқёсни аниқроқ баҳолаш шунчаки бир статистик машқ эмас, балки амалий аҳамиятга эга бўлган ишдир. Боз устига, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси хусусий мулкчиликнинг ривожланиш даражаси сифатида иқтисодий эркинликнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Эркинлик қанчалик кучли бўлса, бозор механизми шунчалик тўла ишлайди ва иқтисодиёт жадал ўсади. Кейинги 5 йил мобайнида Ўзбекистондаги иқтисодий эркинлик рейтингининг жиддий кўтарилиши ҳам хусусий секторнинг кенгайиши боисдир. Бу рейтингдаги ижобий силжишларни халқаро экспертлар ҳам мамнуният билан қайд этишмоқда.

Ана шу рейтинг қанча юқори бўлса, келадиган хориж инвестициялари кўпаяди, унинг глобал иқтисодиёт билан интеграциялашуви кучаяди.

### Экстенсив ўсиш

Хусусий секторнинг юзага келиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги ҳодиса бўлиб, буни **«Ўзбек модели»** доирасида ўтказилган ислоҳотлар рўёбга чиқарди. Булар орасида давлат мулкини хусусийлаштириш етакчи ўрин эгаллайди, чунки бу хусусий секторга асос солди. Мазкур секторнинг давлат ва жамоа секторларининг қисқариши ҳисобидан ривожланиши унинг экстенсив ўсишидир. Бунда янги-янги корхоналар хусусий мулкка айлантирилади, улар ҳисобидан хусусий секторнинг иқтисодий салоҳияти ўсади. Шу ўринда Ўзбекистонда ўтказилган кўп босқичли хусусийлаштириш жараёни алоҳида аҳамият касб этди. МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб хусусий мулкчиликка қонун йўли билан рухсат берди, хусусий мулкнинг дахлсизлигини кафолатлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, **«хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир»**.

Хусусий мулкка рухсат берилиши туфайли кишилар қўлида жамғарилган мол-мулк ва пулни тадбиркорликка ишлатдилар ва бундан даромад топдилар. Натижада хусусий секторга асос солинди. Бу сектор давлат мулкини хусусийлаштириш ҳисобидан ўсиб борди. Бу жараён дастлаб савдо-сотиқ, маиший хизмат ва майда саноатда юз берган бўлса, кейинчалик бу ўрта корхоналар ва охир-оқибатда йирик корхоналарда ҳам ўтказилди. Шу йўналиш бўйича 2003 — 2004 йилларни бурилиш даври, деб айтишимиз мумкин. Шу йилларда йирик корхоналарни, ҳатто акциядорлик корхоналарини хусусийлаштириш шитоб билан борди.

Масалан, 2003 йилда 1519 та давлат корхонаси хусусийлаштирилиб, улар асосида 2093 та хусусий корхона ташкил топди. Давлат акцияларининг ҳам хусусий мулк қилиб сотилишига йўл берилди. 2003 йилга келиб, 1,2 млн. Ўзбекистон фуқароси акция эгасига айланди, бу ҳам хусусий секторни озиқлантирди.

Ҳозирги кунда ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш хусусий секторнинг **экстенсив** ўсиш омилига айланди. Фермер хўжаликлари ширкатларга нисбатан ўз афзаллигини амалда тасдиқлади. Кўпчилик ширкат хўжаликлари зарар кўриб, қарзга ботиб қолган тақдирда, аксарият фермер хўжаликлари рентабелликни таъминлаб, янги иқтисодий марралар томон бормоқда. Шундай шароитда қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш хусусий сектор ривожига, сўзсиз, ҳисса қўшади, унинг иқтисодиётдаги салмоғини оширади.

Хусусий секторнинг кенгайишига майда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Аммо бу ўринда бир муаммо бор: у ҳам бўлса, улар учун қулай бозор яратилмаганидир. Табиийки, бундай хўжаликлар ғоят кўпчиликни ташкил қилади ҳамда улар тарқоқ ва тартибсиз ривожланади. Натижада улар бозор шароитига тезда мослаша олмай, иқтисодий хавф-ха-

